**ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда**

Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида жиноятчиларга қарши ва унинг олдини олишни кучайтириш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилмоқда, - дейди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги А.Ибрагимов. - Жумладан, Ташкент шаҳар ички ишлар бош бошқарма бошлиқлари билан биргаликда барча маҳаллаларда ана шундай учрашувлар ташкил этилди. Уларда муқаддам судланган шахслар, ишсиз юрган ёшлар, маҳалла, ташкилот раҳбарлари ва профилактика нозирлари қатнашишти. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад, жиноятчиликнинг олдини олиш, жазони ўтаб келган фуқароларни иш билан таъминлаш, кўплаб ижобий ишларни юзага чиқариши, жами 1 миллион 250 миң сўм ажратилди. Шунингдек, жазодан озод этилган кишилар туман ИИБга учрашганларидан сўнг, узоғи билан бир ҳафтада пастпортини олишади. Бу ишга туман меҳнат, молия бўлимлари, маҳалла, шаҳар сил касалликлари шифоҳонаси ҳамда профилактика инспекторлари жалб

**САЙЁРАМИЗ САДОСИ**


**ИРОҚ: ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ ЛОЙИҲАСИ**

Ўтган душанба кун Ироқ, Буюк Британия ва Испания БМТ Хавфсизлик кенгашига Ироқ бўйича янги резолюция лойиҳасини тақдим этди. Ушбу ҳужжат Ироқни ўз зиммасига олган қуролсизланиш мажбуриятини бажармаётганлигида айблаш ҳамда Бағдодга уруш очиш учун замин яратишни назарда тутди. Ҳужжат Хавфсизлик кенгашининг ёпиқ мажлисида Буюк Британиянинг БМТдаги доимий вакили Жер Гринсток томонидан тақдим этилди. Янги резолюция лойиҳасида Ироқ ўзига берилган охириги имкониятдан, яъни 1441-резолюциядан оқилона фойдаланмагани таъкидланган. Мазкур уқлик тайёрлаган резолюция Хавфсизлик кенгаши мажлисида маъқуллангани, деган савол кўпчилики уйлантиряпти. Кенгашининг доимий аъзолари томонидан лойиҳа қўллаб-қувватлаши Ироққа қарши урушнинг бошланиши, деганидир. Оқ уйнинг мақсади эса янги резолюция қабул қилинишига эришиш. Бироқ лойиҳа берилган захоти Франция, Германия ва Россия Хавфсизлик кенгаши аъзоларига Ироқ бўйича кўшма меморандумни тақдим этди. Ушбу ҳужжатда Ироққа халқаро нозирлар фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш ва мустаҳкамлаш таклифи илғари сурилган ва аниқ режа кўрсатилган. Мазкур меморандумни Хитой қўллаб-қувватлади. АҚШ, Буюк Британия ва Испания томонидан тақдим этилган ҳужжат ҳали лойиҳа ҳолида. Лекин Оқ уй Ироқ комиссияси раҳбари Ханс Бликснинг 7 мартда берадиган навбатдаги ҳисоботидан кейин муҳокамага қўйиш ниятида. Франция, Германия ва Россия эса янги резолюцияга ҳужурат йўқлиги, Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун назорат ишларини давом эттириши талаб қилаётир. АҚШ давлат департаменти вакили Филип Рикер резолюция лойиҳасини шарҳлар экан, яқин кунларда ушбу ҳужжатни Хавфсизлик кенгашининг барча аъзолари мутақил равишда ўрганиб чиқиши ва сўнгра биргаликда муҳокама қилишига умид билдирди. Шу сабабдан президент Жорж Буш қатор давлатлар раҳбарлари билан Ироқ масаласида маслаҳатлашмоқда. АҚШ давлат котиби Колин Пауэллнинг Осиё бўйлаб сафари ҳам резолюция масаласи билан боғлиқ. БМТ Хавфсизлик кенгашида Ироқдаги вазият бўйича кескин баҳс юритилаётган бир пайтда Бағдод осмонида қора булут тобора қуюқлашаётир. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, АҚШ маъмурияти ва-

кили уруш бошланишига санокли ҳафталар қолганини маълум қилган. Шунингдек, Оқ уй уруш бошласа-да, БМТ талаблари доирасидан чиқмасликка қарор қилганини маълум қилмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ироқ президенти Садам Хусайн Оқ уй раҳбари Жорж Бушни Форс кўрпазиданда тангликка бағишланган тўғридан-тўғри телебаҳсга чиқиргани ҳақида хабар тарқалди. Ушбу телебаҳс халқаро жамоатчилик кўз ўнгига намойиш қилиниши керак, дейилади хабарларда. Бу ҳақда Си-Би-Эс телекомпанияси бошловчиси Дэн Ракер Садам Хусайндан интервью олган чоғи маълум бўлди. Вашингтон маъмурияти эса буташаббусни жиддий қабул қилмапти. Оқ уй матбуот котиби Ари Флайшер Ироқ президенти-нинг телебаҳс борасидаги таклифини «ножиддий баёнот» деб баҳолади. **ТЭГУ МЕТРОСИ: ЁНҒИН ТАФСИЛОТЛАРИ** Ўтган ҳафта Жанубий Кореянинг Тэгу шаҳри метросидаги ёнғин оқибатида юздан зиёд йўловчи қурбон бўлган эди. Мамлакат полицияси темир йўл хизматининг ушбу жиноятга алоқадор деб гумон қилинаётган етти нафар ходимини ҳибсга олди. Яна уч киши қидирилмоқда. Полициячиларнинг таъкидлашича, улар ёнғин вақтида безпарволикка йўл қўйган. Текширувлар натижасида кўпуровчилик руҳий касалликка чалинган 56 ёшли Ким Тэ Хван томонидан амалга оширилгани маълум бўлди. У ёнғин вақтида оғир жароҳатланган ва шифоҳонага ётқизилган. Шу сабабли мазкур жиноятчи расман ҳибсга олинганча йўқ. Айни пайтда қонунни ҳимоя қилиш органлари жавобгар шахсларнинг нима сабабдан безпарволикка йўл қўйганини аниқлашга ҳаракат қилаётир. Улар ёнғин чиққандан сўнг станцияга йўловчиларнинг киритилмаслигини таъминлмаган. Яқшанба кун Тэгу шаҳрида

қажоа оқибатида қурбон бўлганлар хотирасига бағишланган маросим бўлди. Кутқарув гуруҳи вакиллари-нинг маълум қилишича, кучли ёнғин туфайли қурбонларнинг жасадлари қуйиб кетган. Шу боис уларнинг шахсини аниқлаб бўлмаётир. Мутахассисларнинг фикрича, бу ишни ДНК таҳлили ёрдамида амалга ошириш учун бир ойдан кўпроқ вақт керак. Хозирча, фақат 46 кишининг шахси аниқланди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарда айтилишича, Корея Республикаси президенти Ким Дэ Чжун қожа оқибатида ҳалок бўлганларнинг оилаларига молиявий ёрдам кўрсатилиши ва солиқ имтиёزلари берилиши маълум қилган. Метро билан боғлиқ қожа-лар аввал ҳам дунёнинг турли мамлакатларида юз берган. 1987 йил 18 ноябрда Лондонда-ги «Кингс-Кросс» метро бекети-даги содир этилган ёнғин 36 йўловчининг умрига зомин бўлди. 1995 йилнинг 25 июлида Париждаги «Сен-Мишел» бека-тида руй берган ҳалокат оқиб-атида ҳам анча одам жабр че-кан. Уша йилнинг кузида яна бир ёнғин Ҳиндистоннинг Кал-кутта шаҳри метросида юз бер-ди. Қирқдан ортиқ йўловчининг ҳаёти қожаөли яқун топди. **«КАТТА ЕТТИЛИК»НИНГ ПАРИЖ АНЖУМАНИ** Парижда «Катта еттилик» ва-киллари-нинг навбатдаги анжу-мани давом этмоқда. Томонлар Ироқда уруш бошлангудек бўлса, жаҳон иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида махсус режа ишлаб чиқиш юзасидан музокара ўтказ-япти. Маълумки, «Катта еттилик»ка дунё иқтисодиётига катта та-сирига эга Германия, Франция, Канада, АҚШ, Буюк Британия, Япония ва Италия кирди. Россия ҳам мазкур тузилмага кўшилганидан сўнг у «Катта сак-

кизлик» деб атала бошлади. Бироқ, ҳозирча Москва бу каби иқтисодий тортишувларга ара-ламмай турибди. Шу боис ан-жумалда Россия вакиллари иш-тирок этмапти. Махсус режа ишлаб чиқиш қожаөли Германия канцлери Гер-хард Шрёдер томонидан илгар-и сурилган. Кузатувчилар ҳозирча Буюк Британия ва АҚШнинг давлат ҳаракатлари ош-иб кетишига асосланган маз-кур режага қўшилмаслиги мум-кинлигини таҳмин қилаётир. Мазкур мамлакатлардаги иқти-содчилар ҳам давлат чиқимла-ри кескин кўпайиб кетаётгани-дан нолимоқда. Бу каби режаларнинг тақди-ри ҳукумат маблагларидан са-марали фойдаланишга боғлиқ-дир. Буни назорат қилиш эса «Катта еттилик» аъзоларига бе-роз қийинчилик туғдириши мум-кин. Рейтер ахборот маҳкамаси хабарига кўра, иштирокчилар АҚШнинг давлат солиқларини ка-майтириш режаси амалга ош-ирилса, бунинг жаҳон иқти-содиётига қандай таъсир кўрс-атиши ҳусусида ҳам атофлича фикрлашиб олмақчи. АҚШ молия вазири лавози-мига яқинда тайинланган Жон Сноу ўз ҳамкасбларига давлат солиқларини 695 миллиард дол-ларга қисқартириш ҳеч қандай дунёвий иқтисодий ўзгариш-ларга олиб келмаслигини ту-шунтириб бериш ниятида. Унинг таъкидлашича, «Катта ет-тилик» иқтисодиёти дунёда энг кучли ҳисобланади ва у юкс-а-ладиган бўлса, бу бутун дунёга ёрдам бериши мумкин. Шу боис «Катта еттилик»нинг ҳар бир аъзоси иқтисодий ўсишни таъ-минлаш учун қўлидан келган бар-ча ҳаракатларни қилиши ке-ра-к. Буюк Британия канцлери (мо-лия вазири) Гордон Браун таъ-кидлашича, жаҳон иқтисодиёти шу вақтга қадар бир қанча қи-йин даврларни бошдан кечир-ган, аммо олданда улардан-да оғир турган бўлиши ҳам мум-кин. У журналистларга интер-вью берар экан, Ироқ муаммо-си ҳамон очилмаганига қара-май, биз молиявий барқарор-ликни таъминлаш борасидаги иш-имизни давом эттирмамиз ва ҳар қандай қутилмаган ҳо-дисага тайёр тура олишимизни и-с-ботлаймиз, деди. Ҳозирча иштирокчилар ора-сида фақат Япония ва Европа давлатлари вазият тақозо эт-ганда иқтисодий ислохотлар ўтказишни маълум қилди. Эҳтимолдаги урушнинг таъ-сири ҳусусида турли башорат-лар айтилаётган бир пайтда, мутахассислар жаҳон иқтисоди-ётини турли таҳдидлардан ҳимоялаш учун барча ҳаракат-ларни ишга солиш зарурлиги-ни айтмоқда. (ЎЗА).



ланаётган биринчи жавоб ўрнига 1999 йил 31 майдаги қалбаки хулосани алмаштириб қўйишди. Унда: «С. Ризаев Россия Федерациясига тегишли бўлган автошоша ҳайдовчилари-Егоров ва Ботовдан ушланган юкни ўтказиб юбориш учун жуда катта миқдорда пора талаб қилган» (асос борми? - таъкид бизники А. Х.) жумлалари қайд этилган-ди. Ва, прокуратура терговчисининг судга йўллаган ана шу «Дело»сидаги хулосаси узоқ йиллар қаерда, қандай вазифада ишлашдан қатъи назар бурчини ҳалол ўтаб келган инсоннинг

С.Ризаев қуйидаги жавобни олди: (уни айнан келтирамиз) «Вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилган 27090005 сонли жиноят ишининг сизга тегишли бўлган қисми ҳақратини-гизда жиноят таркиби бўлмагани-ги учун 27.07.2001 йилда Узбе-кистон Республикаси ЖПКнинг 83- моддаси 2-қисмига асосан ҳақратдан тўхтатилди». Шундай қилиб, кеч бўлса-да, адолат қарор топди. Аммо... ўтган даврда етказилган моддий ва маънавий зарарни энди ким қоплайди. Қолаверса, ўз соҳаси-га уни ким қайтарди? Ахир ай-рим кишиларнинг ўз ишига со-вуққонлиги оқибатида мана шу жиноятсиз воқеа юзага келди ва сарсон-саргардонликларга са-баб бўлди. Хукуқ-тартибот идоралари, ху-сусан, вилоят прокуратураси му-тасаддилари чигаллик ечимига бош қўшгандек бўлсалар-да, С. Ризаевни ишга тиклаш ва унга етказилган моддий-маънавий зарарни ундириш юзасидан яқу-ний хулоса йўқ эди. Кунлар кетидан ойлар ва йил-лар ўтди. Аммо жаҳрланувчининг амалдаги қонунларга кўра ҳақ-хуқуқини тиклаш масаласи очик қолаверди. Бир томони бозор иқтисоди-шароити. Бир кун бекор қолган киши ҳам хамёнига, ҳам рўзго-рига путур етказлади. Аксига олиб, ишлаш нисаб, пешонаси-

**Журналист суриштируви** «судланган» деган тамга бор. Яна ким, вилоят божхона бош-қармасининг масъул ходими! «Ка-Баски, шундай бўлгач, унга ҳамма ҳам ишонвермайди. Шу сабабли С. Ризаев яна республика доирасидаги мута-садди идоралар эшигини қоқишга мажбур бўлди. Ва ни-ҳоят, Узбекистон Республикаси прокуратураси фуқаро С.Ризаев-нинг унга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан Фарғона вилоят прокуратураси томонидан тергов ўтказилишини рад қилиш ҳақидаги аризасини қўриб чи-қиб, уни Андижон вилоят проку-ратураси иктиёрига ўтказди. Андижон вилоят прокурату-раси мутасаддиларининг ўтган йил 24 ноябрдаги хулосасига тўхта-лиш олдиндан мақола бошида «мажбурлаб ёздирилган» деган фикрга қайтиши лозим топди. Зеро, ҳар нарсани ўз номи бил-лан айтган яши. Дастлабки тер-гов жараёнида С.Ризаев «Дамаш» даги оқибатни қайтариб бер-иш эвазига ҳайдовчи А.Алихўжаев-дан 10 миң сўм пора сўраган-лиги ва бу ҳақда жаҳрланувчи Фарғона вилоят прокуратураси-га ариза билан музокара этган-лиги судда асос қилиб олинган. Лекин Андижон вилоят проку-ратурасида шу иш юзасидан олиб борилган савол-жавобларда А.Алихўжаев аввало аризаси ора-дан 4 ой ўтгандан сўнг ёзганини, қолаверса, терговчи А.Абдураҳмо-нов уни мажбурлагани сабабли бу номақбул ишга кўл ургани аён бўлди. Худди шунингдек, С.Риза-евдан «жабр» кўрган бошқа ки-шилар ҳам инсонийлик бурчи ва виждон азоби-дан қийналган кўри-нади шекилли, охир-оқибат ҳақ гапни: яъни ҳаммаси терговчи то-

**ТАРБУЗУСИ**

мехнат фаолиятига бирварақа-йга чек қўйишга асос бўлди. Ун бир йил муддат. Бу ҳазил-лакам гап эмас. Чиндан ҳам ки-ноэт содир этилган бўлса май-ли эди. Бироқ айблар асоссиз ва бошқа... «гуноҳ»лар мажбу-рлаб тиқштирилган бўлса-чи? Яхшики, С.Ризаев ёқ қовушти-риб турадиганлар хилдан эмас, олий маълумотли, ўз ҳақ-хуқуқини амалдаги қонунлар до-ирасида ҳимоя қила оладиган-лардан. Шу сабабли суд ҳуқуқ-ининг асоссиз эканлигини исбот-лаш учун аввал вилоят суди ва прокуратурасига, сўнг Республи-ка Олий суди ва прокуратураси-га, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Ом-будсман)га мaktuблар йўллади. Мазкур ишга дахлдор ҳужжат вилоят прокуратураси томонидан қайта ўрганиб чиқилгандан сўн-

«Янгийўлматлуботсав-до» жамоаси туман ахли-га 66 та савдо дўконлари са-длар учун 2 миллион 250 миң сўмлик маблағ ажра-тилди. Тумандаги 44-мак-

**ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР**

билан намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жа-мият қошида фахрийла-римиз учун алоҳида ик-тисодиёт нўқтаси «Ко-вуничи» ва «Халқобод» қўрғонларидан ишлаб ту-рибди. Бундан ташқари, якка-ёлғиз, ногиронларга кундалик озиқ-овқат ма-ҳсулотларини бепул тар-қатиш ва хонадонларига етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Матлуботчилар хайри-ишларидан ҳам четда қолишгани йўқ. Ўтган йилнинг ўзида ушбу мақ-

**КУЛОЛ ГРАНТ ОЛДИ**

Пол туманининг Фурумсарой киш-логик Ваҳобжон Буваев Очик Жа-мият институти кўмак жамғармаси-дан бир ярим миң доллар миқдо-рида грант олди. Фурумсарой қадимий кулоллар юрти. Ваҳобжоннинг устонасида XVIII асрда яшаган ҳамқишлоғи уста Кўки томонидан яратилган йиғирма-га яқин ноёб сопол тумлар сақла-нади. Мен буюмларга табиий бўёқлар-дан фойдаланиб, гул чизаман, - деди

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири.



**Буёқ аждодларимиз**  
 Дунёда шундай сўзлар, гоёю-қарашлар бўладики, улар маънавият хазинаси, камолот чўккиси бўлиб барҳаёт яшайди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг «Даст бажору дил ба ёр», яъни, «Қўлинг ишда, дилинг Оллоҳда бўлсин» деган ўғитлари маънавиятимиздаги дуру гавҳардирки, уни ўқиб-ўққанимиз сайин маънан юксалиб, рухан поклиниб бораверамиз.

**ЖАҲОН МУЛКИНИНГ НИГОҲБОНИ**

Президентимиз Ислам Каримов ҳар гал Бухоро сафарини ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилишдан бошлагани ҳам бежиз эмас. Зеро, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан 1993 йил Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг 675 йиллик тўйи халқро микёсда нишонланган ва шу муносабат билан улуг зотнинг қадимжолари таъмирланиб, атрафда муҳташам ёдгорилик мажмуи барпо этилиб, катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилган эди. Эндилкида ушбу ёдгорилик Имом Исмоил ал Бухорий, Имом Мотуридий ҳазратларининг зиёратгоҳлари дарахсиде юксак дид билан таъмирлаш ва ободонлаштириш зарурлиги таъкидланмоқда. Бу эса маънавий меросимизга ҳурмат рамзининг ўзига хос эътирофидир. Олти асрдики, хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларидан ахли иймонларини қадими узилмайди. То ҳануз эзгулик, меҳр-саҳават, иймон-этиқод, наҳот, тақсин ва шифо истаб балогардон бобоқалонлари хоки пойига ошқадилар. Зотан, зоти шарифининг хоки пойлари қаршисиде эгилмаган мағрур бошлар ҳам эгилиб, ҳеч кимга очилмаган кўнглиларининг қулфилини очилди. Ҳазратнинг пок руҳлари кўнглилардан мағрур бошларни тозалаб, ниётларини улайтиради, қалбини поклайди. Ул зоти шариф ҳақида Мухаммад Бокор «Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» китобида шундай баъшорат қилади: «У халқ ичиде қўш қабри равшанки, таъриф ва таснибга эҳтиёж йўқ».

Дарҳақиқат, бугун биз Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз ҳақида нима биламиз?  
 Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак номи асли Мухаммад ибн Мухаммад ал Бухорий бўлган, 1318 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Хиндвор қишлоғиде таваллуд топганлар. Бу ҳақда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд шундай нақл қилдилар: «...Бололик чоғиде бузғуртов шайх Хожа Мухаммад Бобойи Саммосий қуддиси сирруҳунинг назари муборакларига мушарраф бўлдим ва улур мени фарзандликка қабул қилдилар». Улуг аллома Хожа Мухаммад Саммосий ўз муридлари Сайид Мир Қуллол билан «Қасри Хиндвор»дан ўтаётганда «бу туғроғдан бир эр қаси келадур. Шу зоти шариф барокатидан Қасри Хиндвор Қасри Орифон бўлган» деб баъшорат қилдилар. Бир неча фурсат ўтгандан кейин алломалар қишлоқ орқали ўз манзилларига қайтаётганлариде «Ҳалиги эр исиде зийбде бўлибдур» дейдилар. Бу пайтда Баҳоуддин таваллуд топган эканлар. Хожа Мухаммад Баҳоуддинни тарбиялашни Амир Сайид Қуллолга топширадилар.

Шеърят мулкисининг султони Алишер Навоий «Насоийим ул-муҳаббат» асариде «...ҳақиқат юзасидан алар увайсийдурлар. Тарбиятни Хожа Абдухлолик Гиждундор руҳларидан топибдурлар», деб ёзди. Маълумки, кимнингиди тушида пирларининг руҳи кириб бу руҳ илм ўргатса, тарбият ва таҳсил берса, бундайлар увайсий дейилган.

Шундай қилиб Саммосий Нақшбандига «қабул назариюзасидан, Амир Сайид Қуллол эса зоҳир юзасидан, яъни тариқатга ўргатгани билан пир, Хожа Абдухлолик Гиждундор эса руҳи келиб тарбиялаган ботиний пир ҳисобланган. 1103-1179 йилларда яшаб ўтган бу камил инсон ўзининг вафотидан 150 йил ўтгандан сўнг Баҳоуддиннинг ҳар кеча тушига кириб илм ўргатганлар, ул зотга устозлик қилганлар. Бу икки улуг зот ўртасиде салкам 200 йиллик масофа бўлишига қарамай, руҳий мулоқот давом этган. Насоий ўз асариде ана шу нақларга ишора қилади.

«Ҳажон мулкининг нигоҳбони» Хожа Баҳоуддин Нақшбанд суфийларининг Нақшбандия тариқатини юксакка кўтарди, у инсонлар дилига покликни, этиқоуде иймонни нақшлади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандга этиқоуде ва ихлол руҳларига қабул бериб қалбини нопоқликлардан тозалоган. Шунинг учун ҳам соҳибқирон Амир Темуру Баҳоуддин Нақшбандни ўзининг пирлиги қилиб деб билган. Элу улусни ул зотнинг доно ўғитлари билан бошқарган. Ҳамшира адалат ва қаноат, одамийликни этиқоуде деб билган.

Тарихга назар ташласак, Бухоронинг амирлари ихлол ва эҳтиром рамзи сифатиде Баҳоуддин зиёратгоҳлариде бир иморат тиклаган. XVI асрда Абдуллоҳ хон хонақисининг ўнг томонидаги айвон ва масжидни, XVII асрда Абдулиззох хон хонақисининг чап томонида айвон ва масжидни қурдирган. Амир Музаффархон эса қудуқ қазириб, девор тиклаган. Амир Абдуҳадидхон қичқ минара ва мадрасани барпо эттирган. Бухоронинг сўнгги амира Сайид Олимхон ёнқоқ дарахтидан нақшқор дарвоза ясаптирган. Шу ролларнинг мустабид тузуми даврда зиёратгоҳ ташландик холга келиб қолган эди.

Ҳадиси Шарифда эзгу ишларни улуг инсонлардан қўнғилар дейилган. Муствақиллик туғайли Баҳоуддин зиёратгоҳлари шунчалик обод масканга айланди. Президентимизнинг зиёратгоҳга ҳар гали ташрифлари бир эзгу ишни боқиб келди. Аини кунда Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига олиб борувчи йўлда катта бунёдорлик ишлари давом этмоқда. Бундан айниқса, шу атрафда яшаётган халқнинг хурсандчилигини айтмайсизми, яхшиларининг шарофати, деб шунга айтишса керак-да, - дейди Когон тумани «Бўстон» жамоа ҳўжалиги «Усмонобод» қишлоғиде яшовчи Салима Ҳамроева.

Бу йил Баҳоуддин Нақшбанднинг устозлари Хожа Абдуллохик Гиждундорнинг 900 йиллик тўйлари нишонланади. Шу муносабат билан Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларини ҳам реконструкция қилиш юзасидан алоҳиде тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Аини кунда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг янги босқичи давом этмоқда.

Зиёратгоҳда ишлар қўлами жуда кенг. Қурувчи усталар ҳар бир дақиқадан самарали фойдаланиб, меҳнат қилишяпти, юраклариде эса чекис бир гуруру, ихлол, этиқоуде. Бу уларнинг баракали ишларида, нур ёғилиб турган чеҳрала-рида акс этади. Бу хайри юмушларда ҳар кун 400-500 нафар киши иштирок этапта.

Зиёратгоҳ муқаддас жой, - дейди меймор Ф.Давронов. - Бу ерда Баҳоуддин бобомиз билан ёнма-ён қанча улугларимиз макон топган. Азиз гўшаде ишлаётган ҳар бир ишчи, қурувчи эста аввал юрагига ана шу ҳақиқатни тугиб келди. Бу ишнинг сифати ва салмоғини белгилайди.

Қўлда белкуррак, кетмон, яшил ушлаган устаюзодалар, нозиктаб мейморлар, қалбадига нозик кечинмаларни нақшларга уяётган хунарманлар, иймон-этиқодини, саховату меҳр-оқибатни дилига жолаган беминнат хашарчиларга боқиб бейхитёр Яратганга шукроналар айтсан. Эзгулик уларни Ҳақ йўлига бошлайди, савоб ишга ундайди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйдаги сўзлари акс-садо бериб кўнглидан ўтади: «Шамга ўшшагин, токи ҳаммага равshanлик бағишлас».

Амина ҚОДИРОВА,  
«Ишонч» муҳбири.

Самарқанд вилоят еқилғи-энергетика, геология ва кимё сановати ҳодимлари касабә уюшмалари кенгаши Самарқанд вилоят нефт маҳсулотлари корхонасининг касабә уюшма қўмитаси раиси Б.Абдувоитовга отаси

АБДИВОХИД отанинг вафот этганлиги муносабати билан чукўр ҳамдардлик изхор этади.

**СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА**

**Чимёнда ёшлик байрами**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Бўстонлик туманидаги «Чимён» дам олиш масканида спорт байрами ўтказилди.  
 Мамлакатимизда болалар оммавий спортни ривожлантиришга катта эътибор бериләтир. Хусусан, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағатини тузиш тўғрисида»ги Фармони бунинг ёркин исботи бўла олади.  
 Чимёндаги мазкур спорт байрамига, асосан, пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, талаба-ёшлар, ўқувчилар таклиф этилди. Ундан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасиде спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиби этишдан иборат эди.  
 Байрамда тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасиде мусо-

бақалар билан бирга спортнинг бошқа турлари бўйича беллашувлар, «Кувнок стартлар» уйинлари ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир доирасиде, шунингдек, тасвирий санъат, фотография ва миллий хунармандлик бўйича кўргазмалар, миллий ва замонавий либослар кўриги, эстрада хонандаларининг чиқишлари, театр томошалари намойиш этилди.

Энг фаол иштирокчиларга Тошкент шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири



**Миллий кураш ХАЛҚАРО ТУРНИР ОЛДИДАН**

Улуг бобоқалонимиз Ал-Ҳаким ат-Термизий хотираси бағишланган аъёнанив халқаро турнир ҳар икки йилда мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.  
 Сурхондарё вилоят ҳокимининг қарори билан аъёнанив VI халқаро турнир шунинг 3-5 апрел кунлари Термиз шаҳридаги «Алломиш» уйингоҳиде ўтказилдиган бўлди. Турнирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди. Ҳомийлар белгила-ниб, вилоятдаги ташкилот, корхона, ҳўжалик ва фирмалар ҳамда сармоядорларга халқаро турнирни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тавсия этилди.  
 Айтиш жоизки, мусобақани уюшқоқлик билан уюштиришда вилоят касабә уюшмалари ҳам муносиб хиссасини кўшмоқда. Вилоят касабә уюшмалари Кенгаши томонидан мусобақа ўтадиган «Алломиш» уйингоҳиде беллашувларга пухта ҳозирланиб, барча шароитлар яратилади.  
 Рустам ДАВЛАТ,  
«Ишонч» муҳбири.

**Болалар спорти**

ри ўринларни эгаллаб келишяпти. Шунингдек, полвон қизларимиз халқаро микёсдаги беллашувларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя

**ГУБАЛАКНИНГ ПОЛВОН ҚИЗЛАРИ**

харбий спорт уйинларини ташкиллаштириш ҳам яхши анъана тусини олган. Бундай тадбирлар, ўз навбатида, ёш спортчиларнинг маҳоратини ошириб бориши, шу билан бирга, уларнинг жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим рол ўйнамоқда.  
 «Ютуқларимизда» Губалак қишлоқ фуқаролар йиғини худудидеги Б.Нижозов номи мактабининг курашчи қизлари хиссаси катта бўлаётди, - дейди С.Мустажоб. - Улар вилоят ҳамда республика микёсдаги мусобақаларда спортнинг миллий кураш, дзю-до ва самбо каби турлари бўйича қатнашиб, фах-

сида олти вазн тоифасиде бўлиб ўтган вилоят биринчилигида губалаклик полвон қизлар шахсий ва умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Сўнгги йилларда туман ёшлари ўртасиде шарқ яққа кураш тури - каратэга кўзиқиш ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мураббийлар Суннат Бурйев ва Диллўл Саторовлар шогирдларининг номи 300 нафардан ошиб кетди. Яна бир танили мураббий Қодир Яхёев раҳбарлигидаги бокс клубининг эса 130 нафардан ортиқ аъзоси бор.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағатини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирилар Маҳкамаси қарори туманда бу бордаги ишларни янада жонланттирди. Аини вақтда болалар спортини янада раванк топтириш мақсадиде қатор тадбирлар белгиланмоқда.

Камол ОЛЛОЁРОВ,  
«Ишонч» муҳбири.

**Ташаббус, таклиф**

қилдим. Ҳар кун жадвал асосиде машғулотлар олиб бораёяман. Ҳозирча катта бир натижаларга эриша олганимиз йўқ. Лекин барибир ҳурсандман. Менинг мақсадим, болаларнинг дарсдан бўш пайтларида беҳуда санғиб юришларининг олдини олиш, соғлом, бакувват бўлиб етишшиларни нијятда-

ман. Яқинда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағатини тузиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу менга қанот бахш этди, десам муболага эмас.  
 Қани эди, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир маҳаллада спорт ривож топса, айниқса ўзбек

**Соғлом авлодни камол топтиришда спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Сўнгги йилларда амалга оширилган муҳим тадбир-маҳаллаларда болалар футбол командаларининг ташкил этилиши, республика микёсдаги биринчилиқнинг мунтазам равишда ўтказилиб келинаётганлиги гоят фойдалидир.**

Афсуски, вилоятимиздаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, улар қошида ташкил этилган гузарларнинг ҳаммасиде ҳам спортга эътибор кўнғилдигдек дея олмаيمиз. Мен бунинг оддий мураббий сифатиде қузатиб бораман. Ўзим самбо ва дзю-до бўйича спорт усталиғига номзодман, миллий кураш севилими машғулотим. Ноғирон бўлишига қарамай, қишлоқ болаларини тўплаб уйимда миллий кураш тугарагини очганман.  
 Ун беш йил Фаргона вилояти ички ишлар бошқармасиде, сўнгги пайтларда

Дўстлик тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилдим. Ҳасталигим боис биринчи гурух ноғиронлик пенсиясига чиққан бўлсам-да, тичн ўтиролмадим.

**ҲАР БИР ҚИШЛОҚДА ТУГАРАК БЎЛСА...**

Ойбек номи ширкат ҳўжалиги худудиде истикомат қилаётган ёшларни тўплаб, кураш тугараги ташкил этдим. Уларга курашнинг сир-асрорларини ўргатдим. Теннис таёқчаларини ўзим ясаб, теннис ишқибозларини ҳам бир жойга тўпладим. Унлаб ёшлар туман, вилоят, республика турнирлариде қатнашиб, чемпион

рагига жалб этдим. Бунинг учун ҳеч қандай маблағ сарфлаганим йўқ, ҳисоб. Энг аввало, турли машина қисмлари ва рўзгор буюмларидан иборат қўлбола спорт анжумалари ясадим. Фидирақлардан штанга, пастроқ турник ўрнатдим. Қўлбола тренажер ҳам тайёрладим. Матраслардан кураш кўрпаси ҳосил

**ISHONCH**  
**Муассис:**  
 Ўзбекистон касабә уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
 Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
 E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.  
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган  
 Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди - 23.05

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
 Газетата 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.  
 «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасиде чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.